ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ҚЎРИҚ ЕРЛАР ВА ТЎҚАЙЗОРЛАР ҲИСОБИГА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИНИНГ ФОЙДАЛИ ЖИҲАТЛАРИ ВА ТАБИАТГА ЗАРАРИ

Казакова Зухрахон Хамдамовна
E-mail: zuhraxonqazaqova@gmail.com
ORCID: 0009-0002-6200-2960

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразм вилоятида, хусусан 1970-80 йилларда қўриқ ерлар ва тўқайзорлар ҳисобига давлат хўжаликларининг ташкил қилиниши ва унинг фойдали жиҳатлари ва табиатга етказган зарари таҳлил қилинади.

Аннотация: В данной статье анализируется процесс создания государственных хозяйств (совхозов) за счет освоения целинных земель и тугайных лесов в Хорезмской области, в частности в 1970–1980-х годах. Рассматриваются как положительные аспекты этой деятельности, так и нанесенный природной среде ущерб.

Abstract: This article analyzes the establishment of state farms (sovkhozes) through the reclamation of virgin lands and tugai forests in the Khorezm region, specifically during the 1970s and 1980s. It examines both the beneficial aspects of this process and its detrimental impact on the natural environment.

Калит сўзлар: Хоразм, Амударё, тўқайзор, чўл, аҳоли, область, район, совхоз, колхоз, табиат, иш билан таъминлаш, ҳайвонот дунёси, қушлар.

Ключевые слова: Хорезм, Амударья, тугайные леса, пустыня, население, область, район, совхоз, колхоз, природа, обеспечение занятости, животный мир, птицы.

Keywords: Khorezm, Amu Darya, tugai forest, desert, population, region, district, sovhoz (state farm), kolkhoz (collective farm), nature, employment generation, fauna, birds.

Хоразм Қуйи Амударё бўйларида жойлашган воҳа бўлганидан, қолаверса атрофини Қизилқум, Қорақум ўраб турганлигидан азалдан табиати , ундан ҳайвонот ва қушлар дунёси, чўлу тўқайзорлардаги турли хил ҳайвонларга бойлиги, ўзига хос иқлим континенти шаклланган ҳудуд ҳисобланган.Шу боисдан ҳам Хоразмга келган сайёҳлар хотираларида Хоразм кўллар, тўқайзорлар ва чўллардаги иқлимга, Амударё бўйларидаги табиат дунёсига катта эътибор қаратилган.

Советлар давридаги Хоразм вилоятида Ўзбекистон ССР таркибидаги ушбу маъмурий ҳудудга ҳам коммунистик мафкура нуқтаи назаридан сиёсат

олиб борилган. Айниқса, қишлоқларда аҳоли турмуш даражасини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва инсон омилига катта эътибор қаратилганидан табиат дунёсига бефарқлик, хусусан чўллар, тўқайзорларни ўзлаштиришга катта маблағ ва техника ажратилган.

Айниқса, қишлоқлардаги жамоа ва давлат хўжаликлари, яъни колхоз ва совхозлар ҳудудларида янги ерлар ўзлаштириш, уларга пахта ва бошқа экинлар экиш партиянинг сиёсати даражасида қаралган.

“ Ўзбекистонда 1957 йилда 478 та колхоз ўрнига 82 та совхоз ташкил этилди. 1960 йилга келиб, Ўзбекистондаги колхозлар сони 1950 йилларга нисбатан бир неча марта қисқартирилиб, уларнинг миқдори 3316 тадан 978 тага тушиб қолди. Совхозлар сони эса яхшигина кўпайиб, 98 тадан 192 тага етди “ (1).

Яъни, колхозларнинг айримларини совхозларга айлантириш жараёни кетиш билан бирга, 1960-80 йилларда тўқайзорлар, чўл ҳудудларни ўзлаштириш учун катта миқдорда техника, пул маблағлари давлат бюджетидан ажратилди.

Бу борада Хоразм вилоятида ҳам шу тариқа партия совет сиёсати юритилиб, совхозларни кўпайтириш чўлларни, тўқайзорларни ўзлаштириш ҳисобига сон ортиб бошлади. Бу ҳолат айниқса 1970-80 йилларда кўплаб содир бўла бошлади.

1968-86 йилларда Хоразм вилоятига раҳбарлик қилган Мадиёр Худойбергановнинг “Синовларда кечган умр”номли мемуарига кўра, “Пахта учун ажратилган майдонларга шоли экиш, пахта режасини камайтириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Хўш, нима қилиш керак? Шолини қайси майдонларга экамиз? Ўйлаб-ўйлаб бунинг ҳам йўлини топдик. Бунда бизга Шароф Рашидов ёрдам берди. Маълумки, гарчи вилоят кичик ҳудудда, чекланган майдонга эга бўлса-да, ҳар йили қум, чўл, шўр ерларни ўзлаштириш ҳисобидан бир неча юз гектарни ер оборотига киритишга муваффақ бўлардик. Ана шу ерларда шоличикликка ихтисослашган янги совхозлар ташкил қилиш масаласи майдонга чиқди. Лекин тепанинг рухсатисиз бу ишни амалга ошириб бўлмасди.

Бир куни Хивадаги “Қоракум”совхози ўрнида бўлган суҳбатда ана шу мавзу ўз-ўзидан қўзғалди. Илгари сув хўжалиги вазири бўлган С.Мамарасулов Шароф Рашидовга “Хоразмдаги ўзлаштирилаётган ҳар гектар ерга 20 минг сўм сарфланмоқда, бошқа вилоятларда эса унга икки-уч минг сўмча кетади...” деб фикр билдирганида Шароф Рашидов: “100 минг сўм кетмайдими. Хоразмликлар Мирзачўлга ёки бошқа ҳудудларга кўчиб боролмаслигини яхши биласизку! Бу халқни боқиш керак-ку, ахир!”-деди.

Натижада бир неча йил ичида шоличиликка ихтисослашган қатор йирик совхозлар ташкил қилинди. Улар кейинча вилоят аҳлини гуруч билан таъминлаб қолмасдан, балки бошқа вилоятларга ҳам гуруч етказиб берадиган хўжаликларга

айландилар. Шоличилик вилоятда пахтадан кейинги энг даромадли соҳа бўлди “ (2).

Мадиёр Худойберганов таъкидлаб ўтган воқелик 1975 йилда Ўзбекистон Коммунистик партияси марказий комитети биринчи секретари Шароф Рашидовнинг Хоразм вилоятига ташрифи даврида бўлган. Яъни, айнан совхозларни кўпайтиришга айнан 1970-80 йиллар оралиғида эътибор қаратилган. Бу борада Сирдарё чўлларини ўзлаштириш, Қорақалпоғистонда Элликқалъа туманининг чўл ва тўқайзор ўринларида ташкил этилгани, ушбу ҳудудларда ҳам совхозлар кўп ташкил қилингани мисол бўла олади.

Шу каби бу даврлардан олдин ҳам Амударё бўйларида жойлашган ҳудудлари мавжуд вилоятнинг Ҳазорасп, Боғот, Хонқа, Урганч, Янгибозор туманлари ва Гурлан туманининг Туркманистон билан чегарадош, қумлик ва Қилич Ниёзбой канали бўйларида ҳам совхозлар ташкил қилинган эди.

1970-80 йилларда эса партия совет сиёсати сабаб бу тарздаги совхозларни кўпайтириш, яна чўлллар, тўқайзорлар ҳисобига кўпая бошлайди.

Совхозларни кўпайтиришдан бир нечта мақсадлар кўзланган:

1. Янги ерларни ўзлаштириш орқали аҳоли учун мўлжалланган посёлкалар ташкиш қили;
2. Аҳоли иш ва турар жой билан таъминлаш;
3. Аҳолини озиқ овқат билан таъминлаш;
4. Янги ташкил қилинган совхозларда болалар боғчаси, мактаб,савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил қилиш;

Совхозлар одатда ихтисослашган ҳолатда маълум бир соҳага йўналтирилган. Масалан, Урганч туманидаги Мунис Хоразмий совхози узумчиликка, Беговот полиз, сабзавот ва шоличиликка, Гурлан туманидаги Янгиобод ва Гулистон, Янгибозор туманидаги Россия совхозлари шоличиликка ва бошқа шу кабиларни мисол келтириш мумкин.

Маркс Жуманиёзовнинг “Эсимда қолган онлар “ мемуарида ўзи раҳбарлик қилган Хонқа туманида Ал Хоразмий совхозининг ташкил қилиниш тафсилоти шундай ёритиб ўтилган: “ “ Ал-Хоразмий номли шоличилик совхозига Николай Васильевич Ким раҳбарлик қиларди. Бир вақтлари у бизни ишга қабул қилган, сизлар катта одам бўласизлар, деб бизга, яъни 1959 йилда институтни битказиб келган механикларга оқ фотиҳа берган эди. Николай Васильевич 1937 йилдан раҳбар бўлиб ишлаган, вилоятда катта обрў қозонган киши эди. Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи бўлиб турганида 1961 йилда нафақага чиққан.

...1963 йилда Ал-Хоразмий номли совхоз ташкил бўлганида уни шу совхозга директор қилиб юборганлар. Совхоз тўқайзорлар ва Амударё ташлаб кетган ерда ташкил этилган ва на бир номига бўлса ҳам уй бор. Фақат тўқай.

Николай Васильевич раҳбарлигида 13 йил давомида қанча ерлар ўзлаштирилди, посёлкалар ташкил қилинди, мактаб, болалар боғчалари ишга туширилди. Вилоятда шоли етиштириш кескин кўпайди. Пировардида у киши Меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистон Олий Советининг депутати этиб сайланди. Бу икки машҳур киши хўжаликнинг бири 10000 тоннадан кўпроқ пахта, иккинчиси 20000 тоннадан зиёдроқ шоли етиштирарди “(3).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М.Жўраев, “Шарқ” нашриёти, Тошкент-2000 йил, 339-бет.
2. Мадиёр Худойберганов “Синовларда кечган умр”, А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти, Тошкент-1997 йил, 90-91 бетлар.
3. Маркс Жуманиёзов “Эсимда қолган онлар” “Мусиқа” нашриёти, Тошкент-2008 йил, 141-бет.